ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

[1]Ахмедов Дониёрбек Сирожиддин ўғли, [2]Соатов Шаҳзод Вохид ўғли
[1,2]Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магстрантлари
https://doi.org/10.5281/zenodo.13764837

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланган давлатлар қаторида юксалтириш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнини янада кенгайтиришда муҳим дастаклардан бири ҳисобланган солиқ механизмини мақбуллаштириш аҳамиятли масалалардан биридир.

Хорижий мамлакатларда амалга оширилган солиқ соҳасидаги ислоҳотлар амалиёти шундан далолат берадики, солиқ юкини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши дастлабки босқичида бюджет даромадларининг камайишига олиб келган. Кейинчалик, ушбу чора-тадбирлар натижасида иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашуви ҳамда корхоналар ва аҳоли томонидан даромадларини яшириш ҳолатидан чиқарилиб, қонунийлаштирилиши ҳисобига давлат бюджети тушумларининг тикланиши юз берган.

Демак, мамлакатимизда оқилона солиқ сиёсатининг юритилиши ҳамда солиқ юкининг пасайтирилиши солиқ тўловчиларнинг айланма маблағлари кўпайишига олиб келади ва бунинг натижасида мамлакатда иқтисодиётни самарали таъминлаш имкони яратилади. Таъкидлаганимиздек, солиқлар давлатни молиявий ресурслар билан таъминлаш манбаи сифатида шаклланган. Бугунги кунга келиб давлат иқтисодиёти солиқ тизими билан узвий алоқада бўлиб, иқтисодиётдаги ўзгаришлар солиқ тизимида туб ўзгаришларни амалга оширишга сабаб бўлади ва аксинча.

Яна шу нарса маълумки, ер юзидаги барча давлатлар ўз функция ва вазифаларининг узлуксиз ва тўлиқ равишда амалга ошириш орқали тараққиётини таъминлаш учун зарур маблағларни шакллантиришда солиқларга мурожаат қилади. Шунингдек, бозор иқтисодиёти асосида ривожланган мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш дастакларидан бири сифатида солиқлардан фойдаланади.

Аксарият дунё мамлакатларида солиқ тушумлари юқори салмоққа эга, шунингдек, бюджетни тўлдирувчи асосий манба саналади. Давлатнинг солиқлар орқали иқтисодиётни бошқаруви турли усул ва шаклларда олиб борилиши мумкин:

➢ мамлакат иқтисодиёти учун энг мос бўлган солиққа тортиш тизими ва структурасини ишлаб чиқиш;

➢ махсус ёки алоҳида солиқ режимларини ўрнатиш;

➢ солиқ ставкаларини табақалаштириш, ўзгартириш;

➢ солиқдан имтиёз ва преференциялар бериш;

➢ ҳар бир солиқ базасига кирувчи элементлар таркибини белгилаш.

Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш йўналишларини белгилашда республикамиз иқтисодиётига хос бўлган қуйидаги ҳолатларни эътиборга олиш лозим:

- бозорни бошқариш ва шунга мос равишда солиққа тортиш тажрибасининг нисбатан камлиги;

- иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг сустлиги;

- мамлакатда ишлаб чиқаришнинг ва молиявий барқарор бўлган корхоналарнинг камлиги;

- мулкчиликка бўлган эскича муносабатларнинг қисман сақланиб қолинганлиги, мулкчилик турларининг, хусусий секторнинг яхши шаклланмаганлиги;

- бозор иқтисодиёти қонунларининг амалда тўлиқ ишламаётганлиги (талаб ва таклиф, рақобат, моддий манфаатдорлик);

- иқтисодиётни бошқаришда эски усул унсурларининг сақланиб келинаётганлиги ва моддий манфаатдорликнинг тўлиқ шаклланмаганлиги;

- микроиқтисодий даражада (солиқ имтиёзлари берилган тақдирда ҳам) молиявий маблағларнинг камлигидан инвестицион имкониятларнинг чегараланганлиги ва бошқалар.

Бевосита солиқ тушумларининг пасайишининг сўнгги йилларда саноат ишлаб чиқаришда фаолият олиб бораётган кичик бизнес субъектлари сонининг ўзгариши натижасида кўпчилик умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчиларнинг соддалаштирилган тартибда солиқ тўлаш тартибига ўтиши, шунингдек, умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилаётган солиқ имтиёзлари ва преференциялар натижаси сифатида изоҳланади. Давлатнинг мазкур субъектлар фаолиятига инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириши ҳамда жамғармаларни кенгайтиришда солиқ дастагидан унумли фойдаланиши келгусида иқтисодий ўсишни таъминлашнинг омили эканлиги, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши иқтисодиётда ялпи таклифга ижобий таъсир этиб, аҳоли ва тадбиркорларнинг даромади кўпайишига, натижада эса, жамғармаларнинг ошишига ҳамда капиталнинг жамланишига, аксинча, солиқ ставкаларининг меъёрдан ошиши иқтисодиётда меҳнат ва иқтисодий фаолликнинг пасайишига, жамғармаларнинг иқтисодиётдан четлашишига, хуфёна иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келиши исботланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонига мувофиқ, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналиши 3.1-банди таркибий қисми сифатида “Солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш”га алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур стратегияга асосан, солиқ маъмурчилиги сифати ва самарадорлигини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида солиққа тортишни такомиллаштириш борасида қуйидагилар назарда тутилган:

1) солиқ қонунчилигини танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳуқуқни қўллашда ортиқча ва мураккаб нормаларни бартараф этиш, солиққа тортиш базасини ҳисоблаш жараёнини соддалаштириш, ягона базадан ундириладиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни унификация қилиш, шунингдек, солиқ қонунчилиги барқарорлигини таъминлаш;

2) солиқ юкини, шу жумладан: 11 якка тартибдаги тадбиркорлардан ундириладиган қатъий белгиланган солиқ миқдорини, шу жумладан, фаолият кўрсатиш (масалан, узоқ ва бориш қийин бўлган) жойларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш; йирик корхоналарга бўлган солиқ юкини мақбуллаштириш ҳисобига изчил пасайтириш.

Республикамизда солиқ ислоҳотларининг бош мезони сифатида тадбиркорлик субъектлари зиммасидаги солиқ юкини енгиллаштириш, солиқларни ҳисоблаш механизми ва ҳисоботларини соддалаштириш ҳамда солиқ сиёсатини эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар солиқ назоратига бошқача ёндашувни талаб қилмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистонда солиқ тизимини эркинлаштиришни изчиллик билан амалга ошириш пировардида бюджет тизими бюджетларининг тегишли молиявий маблағ билан таъминлашда илғор хориж тажрибасини чуқур ўрганиш, уларнинг ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларини тўғри баҳолаган ҳолда “ўзбек модели” тамойилларига мос ҳолда истиқболда солиқ тизими тараққиётининг устувор йўналиши бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунда шуни алоҳида эътибор қаратиш керакки, ривожланган давлатларда иқтисодиёт асосан ишлаб чиқаришга таянади, яъни иқтисодиёт бир мунча саноатлашган, республикамизда бу борада ислоҳотларни амалга оширишда ана шу жиҳатни эътибордан қочирмаслик керак, шунингдек, ривожланган давлатларда “виждонли” солиқ тўловчилар деган ибора оммалашган.

Шу ҳисобдан олиб қараганда республикамизда қонунчиликда, солиқ тўловчилар ўртасида мазкур тушунчани оммалаштириш борасида ишларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта, мазкур ҳолатда миллий иқтисодиётимиз хусусиятларини, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини, аҳолининг меҳнат маданиятини, иш ҳақи тўлови даражаси ва шарт-шароитлари каби омилларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Фикримизча қуйидаги йўналишларда солиқларнинг таъсирчанлигини ошириш мамлакат иқтисодиёти ривожида ўзининг ижобий натижасини беради:

- ➢ ресурсларни оптимал тақсимлаш;
- ➢ давлат даромадини ошириш;
- ➢ аҳолининг даромадларини ошириш;
- ➢ инвестицион фаолликни рағбатлантириш;
- ➢ барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- ➢ нархнинг турғунлигини сақлаб туриш;
- ➢ миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш;
- ➢ инфляция даражасини жиловлаб туриш;
- ➢ тўлиқ бандликка эришиш ва уни ушлаб туриш.

Юқоридаги иқтисодчи олимлар фикр-мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда солиқлар – уларни тўлаш мажбуриятига эга бўлган шахслар томонидан давлат, жамият, халқ ҳамда ўз манфаатини кўзлаган ҳолда бюджет даромадларини шакллантиришга йўналтириладиган, мажбурийлик хусусиятига эга бўлган, холисона тўланадиган пул тўловидир деб ўз фикримизни билдиришимиз мумкин. Ушбу фикримизни атрофлича асослайдиган бўлсак, солиқлар давлатнинг маълум бир вазифаларини бажаришга хизмат қилиши унинг давлат манфаатларини кўзлашидан далолатдир.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида, жамият — кишиларнинг тарихан қарор топган ҳамкорлик фаолиятлари мажмуи. Жамиятдаги ҳамма нарса (моддий ва маънавий бойликлар, инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган шартшароитларни яратиш ва б.) муайян фаолият жараёнида амалга ошади. Инсонлар фаолияти ва улар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жамиятнинг асосий мазмунини ташкил этади дейилгани, ҳамда жамиятнинг

сиёсий тизими – давлат сифатида ташкил топган жамиятнинг муайян сиёсий вазифаларни амалга оширувчи ижтимоий муассасалари мажмуи.

Давлат, партия, уюшмалари, диний ташкилотлар, шунингдек, сиёсий мақсадларни кўзловчи барча ташкилот ва ҳаракатларни ўз ичига олади деб эътироф этилган. Демак, солиқлар жамият ва халқ манфаатларини ҳам кўзлаган ҳолда тўланиши табиий ҳолатдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ниязметов И. Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Тошкент: Молия, 2016. – 192 б.
2. Темур тузуклари. Т.: Чўлпон, 1991 й. 98 б.
3. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Меҳнат”, 1995 й. 377-б.
4. Тургенев Н.И. Солиқ назарияси тажрибаси.- Санктпетербург – 2018 й.
5. Рикардо Д. Сочинения Т. I. Начало политической экономики и налогового обложения. Пер. с англ. - М.: Госполитиздат, с 360.
6. Пепеляев С.Г. Основый налогового права. М.: 1995, с 496.
7. Политическая экономия. Тольковый словарь. М.: Политиздат, 1990. с 330.
8. Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике//Финансы. – 1992. – №3 с 161.
9. Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. Т.: 1996 й.
10. Олимжонов О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. Ҳаёт ва иқтисод, 1992.